

Имомул Ҳарамайнинг эллик ёшида наҳв олимига шогирд тушгани



10:49 / 12.06.2020 1377

Шайх Абул Ҳасан Али ибн Фаззол ибн Али Мужошиъий Қойровоний наҳвийнинг шундай деганини эшитганман: «У бизнинг ёнимизга ҳижрий 469 йилда келган эди. Уни Фахрул ислом эҳтиром билан қабул қилди. У зотнинг шогирдларидан бири сифатида наҳв ўқишга киришди. Имомлар имоми ўша вақтда эллик ёшга етган эди. У устозни ҳар куни уйларига борарди ва у зотни «Иксийруз заҳаб фи синоъатил адаб» номли китобларидан дарс оларди. Абул Ҳасан Мужошиъий: «Мен ушбу имомдек илмга ошиқ кишини кўрмаганман, у илмни илм учун талаб қиларди ва шундоқ бўлди ҳам», дея ҳикоя қилган.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан